

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ  
ҚАРОРИ

**ИШ БЕРУВЧИННИГ ФУҚАРОЛИК ЖАВОБГАРЛИГИНИ МАЖБУРИЙ СУҒУРТА  
ҚИЛИШ ТҮҒРИСИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА  
ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ҲАҚИДА**

«Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш түғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ва иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишнинг тўлақонли фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидалари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

*Олдинги таҳтирга қаранг.*

2. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги билан келишган ҳолда ҳар йили иш берувчининг жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта тарифларининг амалда қўлланишини таҳдил қилсин ва зарурат бўлганда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта тарифларига, уларнинг чекланган даражасига, таркибиغا ҳамда иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта мукофоти суммасини аниқлашда суғурталовчи томонидан уларни қўлланиш тартибига ўзгартишлар юзасидан таклифлар киритсан.

(2-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 июлдаги 458-сонли қарори таҳтирида — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.08.2024 й., 09/24/458/0573-сон)

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари түғрисида» 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 11-сон, 72-модда) билан тасдиқланган Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялаш түғрисидаги **низомга 2-иловага** мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда идоравий норматив-хукуқий хужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштиурсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 24 июнь,  
177-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш  
ҚОИДАЛАРИ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Қоидалар иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш (кейинги ўринларда мажбурий суғурта қилиш деб аталади) тартибини белгилайди.
2. Ушбу Қоидаларда қўйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

**аннуитет** — ўзига нисбатан аннуитетлар шартномаси тузилган ва жорий тўловлар тарзида суғурта товонини олиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахс;

**наф олувчи** — ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда вафот этган тақдирда суғурта товонини олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс;

**қоплов суммаси** — аннуитетлар шартномаси муддатидан олдин тўхтатилган тақдирда аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчига тўланадиган пул маблағлари суммаси;

**иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси (кейинги ўринларда мажбурий суғурта қилиш шартномаси деб аталади)** — суғурталовчи унинг бўйича суғурта ҳодисаси вужудга келганда келишилган тўлов (суғурта мукофоти) юзасидан иш берувчига ва (ёки) жабрланганга ёхуд наф олувчига меҳнатда майиб бўлганлиги, касб касаллигига чалиниши ёки унинг меҳнат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлигининг бошқача тарзда шикастланганлиги муносабати билан ходимнинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган заарнинг ўрнини суғурта суммаси доирасида қоплаш мажбуриятини оладиган суғурта шартномаси;

**аннуитетлар шартномаси** — суғурталовчи унга кўра аннуитетлар шартномаси бўйича аннуитетлар шартномасида келишилган тўловни (суғурта мукофотини) бир йилдан кўп муддатга жорий тўловлар тарзида суғурта суммаси доирасида суғурта товонини тўлашни амалга ошириш мажбуриятини оладиган суғурта шартномаси;

**ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодиса** — ходимнинг у меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ўз вазифаларини иш берувчининг худудида ҳам, ундан ташқарида ҳам бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлишига ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастланишига олиб келган ва ходимни бошқа ишга ўтказиш заруриятини келтириб чиқарган, унинг касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёки турғун йўқотишига ёхуд вафот этишига сабаб бўлган ҳодиса;

**касб касаллиги** — ходимнинг унга ишлаб чиқаришнинг заарли ёки хавфли омили таъсири натижаси бўлган ва унинг касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёхуд турғун йўқотишига сабаб бўлган ўткир ёки сурункали касаллиги;

**жабрланувчи** — ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан соғлиғига зарар етказилган, суғурта товонини олиш ҳуқуқига эга бўлган ходим;

**ходим** — иш берувчи билан тузилган меҳнат шартномаси (контракт) асосида ишлаётган жисмоний шахс;

#### *Олдинги таҳрирга қаранг.*

**иш берувчи** — қонунчиликда белгиланган тартибда жисмоний шахс билан меҳнат шартномаси (контракт) тузган юридик ёки жисмоний шахс;

(2-банднинг ўн биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг 2022 йил 4 апрелдаги 153-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон)

**суғурта мукофоти** — иш берувчининг мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта қилиш ёки аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчига мажбурий суғурталаш шартномасига ёки аннуитетлар шартномасига мувофиқ тўлаши шарт бўлган пул маблағлари суммаси;

**мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта пули** — суғурталовчи мажбурий суғурта қилиш шартномаси доирасида жабрланувчига (наф олувчига) етказилган зарарни қоплаш мажбуриятини оладиган сумма;

#### *Олдинги таҳрирга қаранг.*

**аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта пули** — жабрланувчига (наф олувчига) бир йилдан кўп муддатга жорий тўловлар тарзида суғурта товонини тўлашни назарда тутадиган етказилган зарарнинг қонунчиликка мувофиқ белгиланган миқдори;

(2-банднинг ўн тўртинчи хатбоишиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 апрелдаги 153-сонли қарори таҳририда — Қонунчлик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон)

**суғурта полиси** — мажбурий суғурта қилишнинг амалга оширилганлигини тасдиқловчи белгиланган намунадаги хужжат;

**мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта ҳодисаси** — иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасининг амал қилиши даврида ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан ходимнинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган заарнинг ўрнини қоплаш бўйича иш берувчининг фуқаролик жавобгарлиги вужудга келганлиги белгиланган тартибда тасдиқланган факт;

**аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта ҳодисаси** — аннуитетнинг аннуитетлар шартномаси амал қиласидан даврда жорий тўлов тарзида суғурта товонини амалга ошириш санасигача яшаш;

**иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталовчи** — умумий суғурта қилиш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс;

**аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи** — ҳаётни суғурта қилиш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс;

**касбга оид меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражаси** — касбга оид меҳнат қобилиятининг ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодиса юз бергунига қадар бўлган, фоизларда ифодаланган, тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси томонидан аниқланадиган пасайиши;

**меҳнатда майиб бўлиш** — ходимнинг касбга оид меҳнат қобилиятини ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодиса оқибатида вақтинча ёки турғун йўқотиши.

3. Иш берувчи у давлат рўйхатидан ўтказилган санадан ёки иш берувчилар — жисмоний шахслар учун меҳнат шартномаси (контракти) тузилган санадан бошлаб 15 иш кунидан кечикмай меҳнатда шикастланиш, касб касаллиги ёки унинг меҳнат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ ҳолда соғлигининг бошқача шикастланиши муносабати билан ходимнинг ҳаётига ёки соғлиғига етказилган заарни қоплаш бўйича ўз фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиши шарт.

Иш берувчининг ўз фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш мажбурияти ушбу Қоидаларга мувофиқ «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддаси [иккинчи кисми](#) қоидалари амалга киритилган кундан бошлаб кучга киради.

4. Мехнатда шикастланиш, касб касаллиги ёки унинг меҳнат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ ҳолда соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан ходимнинг ҳаётига ёки соғлиғига етказилган заарни қоплаш бўйича ўз фуқаролик жавобгарлиги пайдо бўлган тақдирдаги иш берувчининг мулкий манфаатлари мажбурий суғурта қилиш обьекти ҳисобланади.

5. Иш берувчи, мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталовчи (кейинги ўринларда суғурталовчи деб аталади), аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи, жабрланувчи ва наф олувчи мажбурий суғурта қилиш субъектлари ҳисобланади.

6. Иш берувчи ушбу Қоидалар асосида суғурталовчи билан мажбурий суғурта қилиш шартномасини тузади, унга мувофиқ суғурта ҳодисаси вужудга келган даврда иш берувчига ва (ёки) жабрланувчига ёхуд наф олувчига ходимнинг меҳнатда шикастланиши, касб касаллиги ёки унинг меҳнат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ ҳолда соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан ходимнинг ҳаётига ёки соғлиғига етказилган заарни тўлайди.

Етказилган заарни қоплаш бир йилдан кўп муддатга тўловни назарда тутган ҳолларда иш берувчи мазкур Қоидаларга мувофиқ аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи билан аннуитетлар шартномасини тузади, унга кўра аннуитетга жорий тўловлар тарзида суғурта товонини тўлови амалга оширилади.

7. Суғурта ҳодисаси муносабати билан жабрланувчига (наф олувчига) етказилган маънавий зарар мажбурий суғурта қилиш бўйича қопланмайди.

*Олдинги таҳтирга қаранг.*

8. Мажбурий суғурта қилиш шартномаси ва мажбурий суғурта қилиш полиси, шунингдек қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳолатларда, аннуитетлар шартномаси ва аннуитетлар шартномаси бўйича полис мажбурий суғурта қилишнинг амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳисобланади.

(8-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 апрелдаги 153-сонли қарори таҳтирида — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон)

## **II. Мажбурий суғурта қилиш шартномасини тузиш, ўзгартириш ва унинг амал қилишини муддатидан олдин тўхтатиш тартиби**

9. Мажбурий суғурта қилиш шартномаси оммавий ҳисобланади ва иш берувчи ҳамда суғурта қилувчи ўртасида ушбу Коидаларга 1-иловага мувофиқ шакл бўйича бир йил муддатга тузилади. Агар иш берувчи ўз фаолиятини бир йилдан кам муддатда амалга оширса, у ҳолда мажбурий суғурта қилиш шартномаси иш берувчи фаолиятни амалга ошириш муддатига тузилади.

10. Иш берувчи мажбурий суғурта қилишни амалга оширадиган суғурталовчини ва аннуитет шартномаси бўйича суғурталовчини танлаш хуқукига эга.

*Олдинги таҳтирга қаранг.*

11. Суғурталовчи ўзига ёзма ёки электрон ариза билан мурожаат қилган ва ушбу Коидаларга мувофиқ ҳужжатларни тақдим этган иш берувчига мажбурий суғурта қилиш шартномасини тузишни рад этишга ҳақли эмас.

(11-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 июлдаги 458-сонли қарори таҳтирида — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.08.2024 й., 09/24/458/0573-сон)

12. Мажбурий суғурта қилиш шартномасини тузиш учун иш берувчи суғурталовчига қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

*Олдинги таҳтирга қаранг.*

а) мажбурий суғурта қилиш шартномасини тузиш тўғрисидаги ариза;

(12-банднинг «а» кичик банди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 июлдаги 458-сонли қарори таҳтирида — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.08.2024 й., 09/24/458/0573-сон)

б) иш берувчи — жисмоний шахс паспортининг ёки унинг шахсини тасдиқлайдиган бошка ҳужжатининг нусхаси (фотосурати ва рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги охирги ёзув мавжуд бўлган бетлари);

*Олдинги таҳтирга қаранг.*

в) иш берувчининг (юридик шахслар учун) давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси.

(12-банднинг «в» кичик банди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 декабрдаги 1001-сонли қарори таҳтирида — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.12.2017 й., 10/17/1001/0447-сон)

Иш берувчи суғурталовчига тақдим этиладиган маълумотлар ва ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлиги учун жавобгар ҳисобланади.

13. Мажбурий суғурта қилиш полиси иш берувчига суғурталовчининг ҳисоб рақамларига мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофоти келиб тушган кундан кейинги уч иш кунидан кечикмай берилади.

Суғурта полиси бланкаси қатъий ҳисобда турадиган ҳужжат ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланганликнинг камида 3 даражасига эга бўлиши керак. Суғурта полиси бланкаси суғурталовчининг (аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчининг) буюртмаси бўйича, босмахона усулида «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмасида ушбу Коидаларга 3 ва 8-иловаларга биноан намуналарга мувофиқ тайёрланади.

14. Суғурта полиси йўқолган тақдирда иш берувчи унинг дубликатини олиш хукуқига эга.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Дубликат суғурталовчи томонидан иш берувчи мурожаат қилган ва у дубликатни тайёрлаш харажатларини иш берувчи мурожаат қилган санада қонунчиликда белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг кўпи билан 10 фоизи миқдорида тўлаган кундан бошлаб икки кун муддатда берилади.

(14-банднинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 апрелдаги 153-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон)

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

15. Мажбурий суғурта қилиш шартномаси амал қиладиган даврда иш берувчи ёзма ёки электрон шаклда ва ушбу Қоидаларда назарда тутилган муддатларда суғурталовчига мажбурий суғурта қилиш шартномасини тузиш тўғрисидаги аризада кўрсатилган маълумотлардаги ўзгаришлар ҳақида хабар қилиш шарт.

(15-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 июлдаги 458-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.08.2024 й., 09/24/458/0573-сон)

16. Иш берувчидан мажбурий суғурта қилиш шартномасини тақдим этилган маълумотлардаги ўзгаришлар тўғрисида ариза олинганда суғурталовчи, зарурат бўлганда, мажбурий суғурта қилиш шартномасига қўшимча битимни тузади ва суғурта полисини қайтадан расмийлаштиради.

17. Мажбурий суғурта қилиш шартномаси шартлари у амал қилган даврда ўзгарган тақдирда суғурта мукофоти миқдорига ўзгарган шартларга мувофиқ ҳолда ўзгартириш киритилади. Бунда томонларнинг суғурта мукофотининг ўзаро ҳисоб-китобларига тааллуқли бўлган мажбуриятлари мажбурий суғурта қилиш шартномасига қўшимча битим тузилган санадан бошлаб З иш кунидан кечикмай бажарилиши керак.

18. Агар иш берувчи мажбурий суғурта қилиш шартномаси шартлари ёки ушбу Қоидаларнинг 17-бандида назарда тутилган ҳолларда мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича қўшимча суғурта мукофоти тўлашга қарши бўлса, у ҳолда суғурталовчи мажбурий суғурта қилиш шартномасининг бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир. Бунда мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича тўланган суғурта мукофоти қайтариб берилмайди.

19. Мажбурий суғурта қилиш шартномасининг амал қилиши қўйидаги ҳолларда муддатидан олдин тўхтатилиди:

- иш берувчи — юридик шахс тугатилганда ёки қайта ташкил этилганда;
- иш берувчи — жисмоний шахс вафот этганда;
- мажбурий суғурта қилиш шартномаси суд қарорига кўра ҳақиқий эмас деб эътироф этилганда.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Мажбурий суғурта қилиш шартномасининг амал қилиши қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳолатларда хам муддатидан олдин тўхтатилиши мумкин.

(19-банднинг бешинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 апрелдаги 153-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон)

20. Мажбурий суғурта қилиш шартномасининг амал қилиши муддатидан олдин тўхтатилган тақдирда суғурта мукофотининг бир қисми тўланган суғурта товони суммасига ва мазкур шартнома амал қилишининг кунлар ҳисобидаги қолган муддатига мутаносиб равишда қайтариб берилади. Бунда мажбурий суғурта қилиш шартномасининг амал қилиши ушбу Қоидалар 19-бандининг «а», «б» ва «в» кичик бандларида кўрсатилганлардан бошқа асосларга кўра муддатидан олдин тўхтатилган тақдирда суғурталовчи суғурта мукофотининг қайтариб берилаётган қисмидан ушбу шартнома бўйича исботланадиган харажатларнинг суғурта мукофотининг 25 фоизидан кўп бўлмаган миқдордаги суммасини чегириб қолиши мумкин.

### **III. Суғурта суммаси, суғурта мукофоти ва мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофотини тўлаш тартиби**

21. Мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта суммаси қўйидаги миқдорда белгиланади:

мажбурий суғурта қилиш шартномаси тузилган санадаги ҳолатга кўра фаолиятини бир йилдан ортиқ амалга ошириб келаётган иш берувчи учун — мажбурий шартнома тузилган ойдан олдинги ўн икки ой учун иш берувчи барча ходимларининг бир йиллик иш ҳақи миқдорида;

ўз фаолиятини янгитдан амалга ошираётган иш берувчи учун — мажбурий суғурта қилиш шартномаси тузилган ойдан кейинги ўн икки ой учун иш берувчи барча ходимларининг бир йиллик иш ҳақи миқдорида. Бунда йиллик иш ҳақи биринчи ойдаги иш ҳақи миқдорини ўн иккига кўпайтириш орқали ҳисоблаб чиқарилади;

фаолиятини бир йилдан кам бўлган муддатга амалга оширувчи иш берувчи учун — иш берувчи барча ходимларининг иш берувчининг мазкур фаолияти амалга ошириладиган муддатдаги иш ҳақи миқдорида.

22. Мажбурий суғурта қилиш шартномасининг амал қилиш муддати давомида йиллик иш ҳақи миқдори ўзгарган тақдирда, суғурта пули ва суғурта мукофоти қисмига ушбу шартномага ёзма равишда қўшимча келишув тузиш орқали ўзгартиришлар киритилади. Бунда мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофотини қайта ҳисоб-китоб қилиш мазкур шартнома тузилган санада амалда бўлган суғурта тарифи бўйича, қолган суғурта даври ва суғурта пулига мутаносиб равишда амалга оширилади.

23. Мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофоти миқдори ушбу Коидаларга [9-иловага](#) мувофиқ суғурта тарифларига биноан ҳисоблаб чиқарилади.

Суғурта тарифларининг мажбурий суғурта қилиш шартномаси амал қиласидиган муддат мобайнида ўзгариши иш берувчи томонидан тўлов вақтида амалда бўлган суғурта тарифлари бўйича тўланган суғурта мукофотининг ўзгаришига олиб келмайди.

24. Мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофотини ҳисоблаш суғурталовчи томонидан, мажбурий суғурта қилиш шартномаси тузиш тўғрисидаги аризада иш берувчи кўрсатган маълумотлардан келиб чиқсан ҳолда амалга оширилади.

25. Мажбурий суғурта қилиш шартномаси тузилгандан кейин мажбурий суғурта қилиш шартномаси тузиш тўғрисидаги аризада иш берувчининг нотўғри ва (ёки) хато маълумотлар кўрсатганлиги аниқланган тақдирда суғурта мукофоти миқдори суғурта тарифларига ва мажбурий суғурта қилиш шартномаси тузилган вақтда амалда бўлган иш берувчи фаолият турларининг хавфлилик даражаси тавсифига мувофиқлаштирилиши керак.

26. Мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофоти иш берувчи томонидан, мажбурий суғурта қилиш шартномаси тузилган санадан бошлаб беш иш кун мобайнида бир йўла тўланади.

Суғурта мукофоти нақд пул билан тўланган тақдирда суғурталовчи (унинг филиали ёки суғурта агенти) томонидан пул маблағлари қабул қилиб олинган сана тўлов санаси ҳисобланади. Суғурта мукофоти нақд пулсиз тўланган тақдирда пул маблағларининг суғурталовчи (унинг филиали ёки суғурта агенти) ҳисоб рақамига тушган санаси суғурта мукофоти тўланган сана ҳисобланади.

Иш берувчининг ҳисоб рақамидаги пул маблағлари етарли бўлмаган тақдирда мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофотини тўлаш иш берувчининг ишлаб чиқариш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган кечикириб бўлмайдиган эҳтиёжларига мўлжалланган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

27. Агар суғурталовчи мажбурий суғурта қилиш шартномасининг амал қилиш даврида суғурта товонини тўлаган бўлса, мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта пули тўланган суғурта товони суммаси миқдорига камайтирилади. Бунда иш берувчи тўланган суғурта товони суммасига ҳамда мажбурий суғурта қилиш шартномасининг қолган амал қилиш муддатига мутаносиб равишда суғурта мукофотини етти иш куни мобайнида қўшимча равишда тўлаши шарт.

#### **IV. Мажбурий сұғурта қилиш шартномаси томонларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

28. Иш берувчи қыйидаги ҳуқуқларга эга:

сұғурталовчидан мажбурий сұғурта қилиш шартномасининг шартларини тушунтириб беришни талаб қилиш;

сұғурталовчининг сұғурта төвөнини түлашни рад этиш түғрисидеги қарори юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш;

йиллик иш ҳақи миқдори камайған тақдирда, сұғурта мукофотининг йиллик иш ҳақи миқдорининг камайишига ва мажбурий сұғурта қилиш шартномасининг тугалланмаган даврига мутаносиб қисмини олиш.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Иш берувчи қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

(28-банднинг бешинчи хатбоюси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 апрелдаги 153-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон)

29. Иш берувчи:

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

мажбурий сұғурта қилиш шартномаси бўйича ва айрим ҳолларда аннуитетлар шартномаси бўйича қонунчиликда белгиланган шартлар асосида ва тартибда сұғурта мукофотини түлаши;

(29-банднинг иккинчи хатбоюси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 апрелдаги 153-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон)

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

йиллик иш ҳақи миқдори ўзгарган пайтдан эътиборан беш иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда сұғурталовчига ёзма ёки электрон шаклда хабар қилиши;

(29-банднинг учинчи хатбоюси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 июлдаги 458-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.08.2024 й., 09/24/458/0573-сон)

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

иш берувчи томонидан амалга оширилаётган фаолият турларининг хавфлилик даражаси ўзгарган пайтдан эътиборан беш иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда сұғурталовчига ёзма ёки электрон шаклда билдириши ва зарур бўлган ҳолларда, қўшимча ҳисоблаб чиқарилган сұғурта мукофотини түлаши;

(29-банднинг тўртинчи хатбоюси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 июлдаги 458-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.08.2024 й., 09/24/458/0573-сон)

ходимларни мажбурий сұғурта қилиш шартномаси шартлари билан танишириши, шу жумладан, мазкур шартнома бўйича томонларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

сұғурталовчи ва аннуитетлар шартномаси бўйича сұғурталовчи ҳақидаги барча зарур маълумотларни жабрланувчи ёки наф оловчига ёзма ёки электрон шаклдаги ариза билан мурожаат қилган санадан эътиборан икки иш куни мобайнида тақдим этиши;

(29-банднинг олтинчи хатбоюси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 июлдаги 458-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.08.2024 й., 09/24/458/0573-сон)

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

ишлиб чиқарышдаги баҳтсиз ҳодиса юз берганлиги ўзига маълум бўлган пайтдан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда сұғурталовчига ёзма ёки электрон шаклда билдириши;

(29-банднинг еттинчи хатбоюси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 июлдаги 458-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.08.2024 й., 09/24/458/0573-сон)

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Иш берувчи қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам олиши мумкин.

(29-банднинг саккизинчи хатбоюси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 апрелдаги 153-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон)

30. Суғурталовчи қўйидаги хукуқларга эга:

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни текширишда иштирок этиш ва зарур бўлган ҳолларда тегишли эксперtlарни жалб этиш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисага доир ахборотни текшириш;

суғурта мукофотини аниқлаш учун суғурта хавфини баҳолаш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш юзасидан тавсиялар бериш.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Суғурталовчи қонунчиликка мувофиқ бошқа хукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

(30-банднинг олтинчи хатбоюси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 апрелдаги 153-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон)

31. Суғурталовчи:

мажбурий суғурта қилиш шартномаси шартлари билан иш берувчини таништириши, шу жумладан, унинг хукуқ ва мажбуриятларини тушунтириши;

ўз фаолиятини амалга ошириш натижасида олинган, иш берувчи ва (ёки) жабрланувчи ёхуд наф оловчи тўғрисидаги маълумотларнинг маҳфийлигини таъминлаши;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

суғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, иш берувчи суғурта товонини тўлаш учун мурожаат этганидан кейин ўн беш иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда иш берувчига рад этиш сабабларини далиллар билан асослантирган ҳолда ёзма ёки электрон шаклда хабар қилиши;

(31-банднинг тўртингчи хатбоюси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 июлдаги 458-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.08.2024 й., 09/24/458/0573-сон)

ушбу Қоидаларнинг 34-бандида назарда тутилган барча зарур хужжатлар тақдим этилган санадан эътиборан ўн иш кунидан кечиктирмай қарор қабул қилиши ва суғурта товонини тўлаши;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

ўзи алмаштирилган тақдирда бу ҳақда иш берувчига дарҳол ёзма ёки электрон шаклда хабар бериши шарт.

(31-банднинг олтинчи хатбоюси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 июлдаги 458-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.08.2024 й., 09/24/458/0573-сон)

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Суғурталовчи қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам олиши мумкин.

(31-банднинг еттинчи хатбоюси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 апрелдаги 153-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон)

32. Жабрланувчи қўйидаги хукуқларга эга:

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

иш берувчига ёки суғурталовчига ёхуд аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчига суғурта товонини тўлаш ҳақида ёзма ёки электрон шаклдаги ариза билан мурожаат этиш;

(32-банднинг иккинчи хатбоишиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 июлдаги 458-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.08.2024 й., 09/24/458/0573-сон)

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

конунчиликда белгиланган шартлар асосида ва тартибда суғурта товони олиш;

(32-банднинг учинчи хатбоишиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 апрелдаги 153-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон)

мажбурий суғурта қилиш шартномасининг ёки аннуитетлар шартномасининг шартлари тўғрисида иш берувчидан ёки суғурталовчидан ёхуд аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчидан бепул ахборот олиш;

ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисани текширишда зарурият бўлганда, касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи вакилларини ёхуд ўзининг ишончли шахсини жалб этган ҳолда белгиланган тартибда иштирок этиш;

иш берувчидан суғурталовчи ва аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи ҳақидаги барча зарур маълумотларни олиш.

33. Наф оловчи қуйидаги хуқуқларга эга:

суғурта товонини олиш ҳақидаги талаб билан иш берувчига ёки суғурталовчига мурожаат этиш;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

конунчиликда белгиланган шартлар асосида ва тартибда суғурталовчи ва (ёки) аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчидан суғурта товонини олиш;

(33-банднинг учинчи хатбоишиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 апрелдаги 153-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон)

иш берувчидан, суғурталовчидан мажбурий суғурта қилиш шартномасининг шартлари тўғрисида ҳамда аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчидан аннуитетлар шартномаси шартлари ҳақида бепул ахборот олиш;

ходим ўз меҳнат вазифаларини бажараётганда вафот этганлиги ҳақида иш берувчига хабар қилиш;

ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисани текширишда белгиланган тартибда иштирок этиш, зарур бўлган ҳолларда касаба уюшмаси вакилларини ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи вакилларини ёхуд ўзининг ишончли шахсини жалб этган ҳолда иштирок этиш;

иш берувчидан суғурталовчи ва аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи ҳақидаги барча зарур маълумотларни олиш.

## **V. Мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта ҳодисаларини қўриб чиқиши тартиби**

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

34. Иш берувчи ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисани текшириш якунларига қўра суғурталовчига суғурта товони талабидан иборат бўлган ёзма ёки электрон шаклдаги ариза билан мурожаат қиласди (ушбу Қоидаларга **4-илова**), унга қўйидагилар илова қилинади:

(34-банднинг биринчи хатбоишиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 июлдаги 458-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.08.2024 й., 09/24/458/0573-сон)

иш берувчининг ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодиса оқибатларига қўра етказилган заарнинг ўрнини қоплаш тўғрисида ушбу Қоидаларга **5** ёки **5-1-иловаларга** мувофиқ шакл бўйича буйруғининг нусхаси;

ходимнинг ёки наф оловчининг етказилган заарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги талаби кўрсатилган, иш берувчининг номига ёзилган аризасининг нусхаси;

суғурта ҳодисаси юз бергунига қадар ходим олган ўртacha ойлик ёки йиллик иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома;

меҳнат шартномасининг (контрактнинг) нусхаси;

касб касаллигига — ходимнинг касб касаллиги тўғрисидаги тиббий хулоса; ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса содир бўлганлигини ва ходим учун унинг оқибатини тасдиқловчи ҳужжатлар (ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисани маҳсус текшириш далолатномаси, тиббий-мехнат экспертиза комиссиясининг хулосаси, низолар юзага келган ҳолларда эса — суднинг қарори).

#### *Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ходим вафот этган тақдирда ходимнинг вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси ва наф олувчининг зарарнинг ўрни қопланишига бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳам илова қилинади.

(34-банднинг саккизинчи хатбоюси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 декабрдаги 1001-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.12.2017 й., 10/17/1001/0447-сон)

Ушбу бандда назарда тутилмаган ҳужжатлар тақдим этилишини талаб қилиш тақиқланади.

35. Ҳужжатларни қабул қилиб олган суғурталовчи иш берувчига тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқ рўйхатини ва улар қабул қилиб олинган санани кўрсатган ҳолда маълумотнома бериши шарт.

36. Суғурталовчи тегишли сўровнома бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан, судлардан, тиббиёт, сейсмология, ветеринария, гидрометеорология ва бошқа ташкилотлардан ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса билан боғлиқ ҳужжатларни ва хулосаларни олишга, шунингдек жабрланувчига ёхуд наф олувчига етказилган зарарнинг сабабларини, ҳолатини ва миқдорини мустақил равишида аниқлашга ҳақлидир.

37. Суғурталовчи ушбу Қоидаларнинг 34-бандда кўрсатилган барча зарур ҳужжатлар тақдим этилган санадан бошлаб ўн иш кунидан кечикмай суғурта ҳодисасини тан олиш тўғрисида қарор қабул қилиши ва суғурта товонини тўлаши шарт.

38. Суғурта ҳодисасини тан олиш ва суғурта товони миқдорини аниқлаш суғурталовчи томонидан, иш берувчи тақдим этган ҳужжатларни ўрганиш, шунингдек ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисани текшириш учун жалб этилган экспертларнинг тегишли хулосалари асосида амалга оширилади.

39. Суғурта ҳодисаси тан олинганда ва суғурта товони суммаси белгиланганда суғурта ҳодисаси тўғрисида далолатнома тузилади, у ҳар қайси томон учун бир нусхадан — икки нусхада, суғурталовчи ва иш берувчи томонидан имзоланади.

Суғурта товонини бир йилдан кўп муддат учун тўлаш зарур бўлганда суғурта ҳодисаси тўғрисида далолатнома суғурта товонини бир йилдан кўп муддат учун асосли равишида ҳисоблаш учун иш берувчи томонидан танланган аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи иштирокида тузилади. Суғурта ҳодисаси тўғрисида далолатнома ҳар қайси томон учун бир нусхадан — уч нусхада, суғурталовчи, иш берувчи ва аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи томонидан имзоланади.

#### *Олдинги таҳрирга қаранг.*

40. Суғурталовчи томонидан суғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда бу ҳақда иш берувчига унинг суғурта товонини тўлаш талабидан иборат бўлган ариза билан ёзма ёки электрон мурожаатидан кейин ўн беш иш кунидан кечикмай рад этиш асослари кўрсатилган ҳолда хабар қилинган бўлиши керак.

(40-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 июлдаги 458-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.08.2024 й., 09/24/458/0573-сон)

## **VI. Етказилган зарар миқдорини белгилаш ва мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта товонини тўлаш тартиби**

#### *Олдинги таҳрирга қаранг.*

41. Ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши

муносабати билан унинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган заарнинг ўрнини қоплаш қонунчиликда белгиланган тартибда аниқланади.

(41-банднинг биринчи хатбоюси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 апрелдаги 153-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон)

Мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта товони етказилган зарар миқдорида, лекин суғурта пули миқдоридан кўп бўлмаган миқдорда тўланади.

42. Агар суғурта ҳодисаси натижасида иш берувчида бир нафардан кўп ходим олдида жавобгарлик пайдо бўлса ва у суғурта пулидан ортиқ бўлса мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта товони ҳар бир жабрланувчига ёхуд наф оловчига унинг етказилган зарар умумий миқдоридаги улушига мутаносиб равишда, лекин мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурта пулидан кўп бўлмаган миқдорда тўланади.

43. Мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта товони:

жабрланувчи меҳнатда майиб бўлгунига қадар олган ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан фоиз ҳисобида, унинг касбга оид меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасига мувофиқ белгиланадиган ҳар ойлик тўлов ёки касб касаллиги аниқлангунга қадар олган ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан фоиз ҳисобида белгиланадиган ҳар ойлик тўлов;

марҳумнинг ўртача ойлик иш ҳақи миқдоридаги, унинг ўзига ва қарамоғида бўлган, лекин етказилган заарнинг ўрни қопланишига ҳақли бўлмаган, меҳнатга қобилиятли шахсларга тўғри келадиган улуш чегириб ташланган ҳолдаги ҳар ойлик тўлов;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

қонунчиликда белгиланган ҳолларда жабрланувчига ёки наф оловчига бир йўла бериладиган нафақа тўлови;

(43-банднинг тўртинчи хатбоюси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 апрелдаги 153-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09/22/153/0266-сон)

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

ходим вафот этган тақдирда мажбурий суғурта қилиш шартномасида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 бараваридан кўп бўлмаган миқдордаги дафн этиш харажатлари;

(43-банднинг бешинчи хатбоюси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 28 декабрдаги 1046-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.12.2019 й., 09/19/1046/4242-сон)

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

иш берувчининг қўшимча харажатларини қонунчиликка мувофиқ компенсация қилиш тарзида амалга оширилади.

(43-банднинг олтинчи хатбоюси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 апрелдаги 153-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 09/22/153/0266-сон)

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

44. Қонунчиликда белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори оширилган тақдирда, ходимнинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганлиги муносабати билан заарнинг ўрнини қоплашнинг белгиланган суммаси меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг оширилишига мутаносиб равишда кўпайтирилади. Бунда зарар ўрнини қоплашнинг кўпайтирилган суммаси қонунчиликда белгиланган тартибда иш берувчи томонидан қўшимча тарзда тўланади.

(44-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 апрелдаги 153-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон)

45. Агар мажбурий суғурта қилиш шартномасининг амал қилиш муддати тугагандан кейин, кўрсатилган шартнома амал қилган даврда рўй берган суғурта ҳодисаси оқибатида аниқланган зарар миқдори белгиланган тартибда қайта кўриб чиқилса, у ҳолда бундай зарарни қоплаш бўйича мажбурият иш берувчи зиммасида бўлади.

46. Мажбурий сұғурта қилиш шартномаси бўйича сұғурта товони, агар етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бир йилгача муддат учун тўловни назарда тутса, сұғурталовчи томонидан жабрланувчига ёки наф олувчига тўланади. Бунда иш берувчининг талабига кўра сұғурталовчи унга сұғурта товони тўланганини тасдиқловчи тўлов ҳужжатлари нусхасини тақдим этиши шарт.

47. Сұғурталовчининг жабрланувчига ёки наф олувчига мажбурий сұғурта қилиш шартномаси бўйича сұғурта товонини тўлаш мажбуриятлари юридик шахс — иш берувчи тугатилганда, жисмоний шахс — иш берувчи вафот этганда ёки ушбу шартнома амал қилган даврда жабрланувчи ва иш берувчи ўртасидаги меҳнат муносабатлари тўхтатилган ҳолларда сақланиб қолади.

48. Мажбурий сұғурта қилиш шартномасининг иш берувчининг ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан унинг соғлифи ёмонлашганлиги ёхуд вафот этганлиги туфайли келиб чиққан қўшимча харажатларининг компенсация қилинишига доир қисми бўйича сұғурта товони иш берувчига, у шундай харажатларни амалга оширганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатлар асосида тўланади.

49. Агар етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бир йилдан ортиқ муддат учун тўловни назарда тутса, мажбурий сұғурта қилиш шартномаси бўйича сұғурта товони сұғурталовчи томонидан иш берувчига тўланади. Бунда иш берувчи ушбу Қоидаларнинг **52-бандига** мувофиқ аннуитетлар шартномасини тузиши ва мажбурий сұғурта қилиш шартномаси бўйича олинган сұғурта товонидан фақат аннуитетлар шартномаси бўйича сұғурта мукофотини тўлаш учун фойдаланиши шарт. Агар иш берувчининг мажбурий сұғурта қилиш шартномаси бўйича олган сұғурта товони суммаси аннуитетлар шартномаси бўйича тўланиши лозим бўлган сұғурта мукофоти миқдоридан кам бўлса, у ҳолда фарқ иш берувчи ҳисобидан қўшимча равишда тўланиши керак.

#### *Олдинги таҳрирга қаранг.*

50. Иш берувчидаги ушбу Қоидаларнинг **49-бандига** мувофиқ сұғурта мукофотидаги фарқни қўшимча равишда тўлаш учун маблағлар етарли бўлмаган тақдирда аннуитетлар шартномаси мажбурий сұғурта қилиш шартномаси бўйича олинган сұғурта товони пулига мутаносиб бўлган муддатга тузилади. Бунда иш берувчи қонунчиликда белгиланган тартибда жабрланувчига ёхуд наф олувчига зарарнинг тегишли қисмини тўлаш бўйича жавобгарликни зиммасига олади.

(50-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 апрелдаги 153-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон)

51. Сұғурта товонини ўтказиш бўйича харажатлар сұғурталовчининг ҳисобидан амалга оширилади.

### **VII. Аннуитетлар шартномасини тузиш тартиби**

52. Иш берувчи мажбурий сұғурта қилиш шартномаси бўйича сұғурта товони пули ўзининг ҳисоб рақамига тушган кундан бошлаб етти иш куни мобайнида аннуитетлар шартномаси бўйича сұғурталовчи билан аннуитетлар шартномаси тузиши шарт. Аннуитетлар шартномаси бўйича сұғурталовчи аннуитетлар шартномасида шартлашилган ҳақ (сұғурта мукофоти) эвазига, сұғурта пули доирасида тегишли равишда:

жабрланувчига у ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан унинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарар учун;

ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда вафот этган тақдирда, сұғурта товонини олиш хуқукига эга бўлган наф олувчига жорий тўловлар тарзида бир йилдан ортиқ муддат учун сұғурта товони тўлаш мажбуриятини олади.

53. Аннуитетлар шартномаси оммавий шартномадир ва ушбу Қоидаларга **6-иловага** мувофиқ шакл бўйича тузилади.

#### *Олдинги таҳрирга қаранг.*

Аннуитетлар шартномаси қонунчиликка мувофиқ жабрланувчига мөхнат қобилиягини йўқотганлик даражаси белгиланган муддатга ёки наф олувчи сұғурта товонини олиш хукуқига эга бўладиган муддатга тузилади.

(53-банднинг иккинчи хатбоиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 апрелдаги 153-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон)

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Аннуитетлар шартномаси бўйича сұғурталовчи аннуитетлар шартномаси тузиш тўғрисида ёзма ёки электрон ариза билан ўзига мурожаат қилган ва ушбу Қоидаларга мувофиқ ҳужжатларни тақдим этган иш берувчига аннуитетлар шартномаси тузишни рад этишга ҳақли эмас.

(53-банднинг учинчи хатбоиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 июлдаги 458-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.08.2024 й., 09/24/458/0573-сон)

54. Аннуитетлар шартномаси тузиш учун иш берувчи аннуитетлар шартномаси бўйича сұғурталовчига қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

а) аннуитетлар шартномасини тузиш тўғрисидаги ариза;

(54-банднинг «а» кичик банди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 июлдаги 458-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.08.2024 й., 09/24/458/0573-сон)

б) иш берувчи паспортининг ёки унинг шахсини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатининг нусхаси (жисмоний шахснинг иш берувчиси учун);

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

в) юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

(54-банднинг «в» кичик банди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 декабрдаги 1001-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.12.2017 й., 10/17/1001/0447-сон)

г) жабрланувчи (наф олувчи)нинг паспорти ёки унинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатининг нусхаси;

д) иш берувчининг ушбу Қоидаларга 5 ёки 5-1-иловаларга мувофиқ шакл бўйича, ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодиса оқибатларига кўра етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги бўйруғининг нусхаси.

Ушбу бандда назарда тутилмаган ҳужжатларнинг тақдим этилишини талаб қилиш тақиқланади.

55. Аннуитетлар шартномаси бўйича сұғурта полиси иш берувчига аннуитетлар шартномаси бўйича сұғурталовчининг ҳисоб рақамига аннуитетлар шартномаси бўйича сұғурта мукофоти тушган кундан кейинги уч иш кунидан кечикмай берилади.

Сұғурта товони жорий тўловлар тарзида икки ёки ундан кўп шахсларга тўланиши керак бўлган тақдирда аннуитетлар шартномаси бўйича сұғурта полиси ҳар бир бундай шахсга алоҳида-алоҳида берилади.

Аннуитетлар шартномаси бўйича сұғурта полиси йўқолган тақдирда иш берувчи ёки аннуитеттунинг дубликатини олиш хукуқига эгадир.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Дубликат аннуитетлар шартномаси бўйича сұғурталовчига иш берувчи ёки аннуитеттунинг мурожаат қилган кундан ва у дубликатни тайёрлаш бўйича харажатларни иш берувчи ёки аннуитеттунинг мурожаат қилган санада қонунчиликда белгиланган базавий ҳисоблаш микдорининг кўпи билан 10 фоизи микдорида тўлаган кундан бошлаб икки кун муддатда берилади.

(55-банднинг тўртинчи хатбоюниси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 апрелдаги 153-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон)

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

56. Аннуитетлар шартномаси тузилгандан кейин иш берувчи аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчига аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта пули миқдорини аниқлаш билан боғлиқ бўлган ёлғон маълумотларни қасдан хабар қилганлиги аниқланган тақдирда аннуитетлар шартномаси қонунчиликда белгиланган тартибда ҳақоний эмас деб эътироф этилиши мумкин.

(56-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 апрелдаги 153-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон)

### **VIII. Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта пули, суғурта мукофоти ва қоплов пули**

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

57. Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта пули жабрланувчига ёки наф олувчига қонунчиликка мувофиқ ўрни қопланиши лозим бўлган етказилган зарар миқдорида белгиланади.

(57-банднинг биринчи хатбоюниси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 апрелдаги 153-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон)

Зарар ўрнини қоплаш ноаниқ муддатга белгиланган тақдирда аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта пулини ҳисоблаш учун аннуитетлар шартномаси тузилган вақтда Ўзбекистон Республикасида белгиланган аҳоли умрининг ўртacha давом этиш кўрсаткичи қўлланилади. Аннуитет ўртacha умр кўриш муддатини яшаган тақдирда унинг умр кўриш даврининг қолган даврида кўрилган зарар иш берувчи томонидан белгиланган тартибда қопланади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Шу билан бирга, агар аннуитет умрининг қолган даврида иш берувчи тугатилган тақдирда зарарни ундириш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

(57-банднинг учинчи хатбоюниси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 апрелдаги 153-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон)

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

58. Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта мукофоти аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта пулига тенг бўлиб иш берувчи томонидан аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталашнинг бутун даври учун аннуитет шартномаси тузилган муддатдан бошлаб беш иш куни мобайнида бир йўла тўланади. Мехнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори қонунчиликда белгиланган тартибда оширилган тақдирда ходимнинг ҳаётига ёки соғлиғига зарар етказилиши билан боғлиқ ҳолда белгиланган зарарни ундириш пули меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг ошишига мутаносиб равишда кўпаяди. Бунда кўрилган зарарни ундиришнинг кўпайтирилган суммаси қонунчиликда белгиланган тартибда иш берувчи томонидан кўшимча равишда тўланади.

(58-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 апрелдаги 153-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон)

59. Қоплов пули аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта мукофотидан жорий тўловлар тарзидаги суғурта тўловлари ва аннуитетлар шартномаси бўйича ишларни юритишга исботланган харажатлар суммасини чегирган ҳолдаги суммага тенг бўлади.

### **IX. Аннуитетлар шартномаси томонларининг ҳукуқлари ва мажбуриятлари**

60. Иш берувчи қуйидагиларга ҳақлиdir:

аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчидан қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчидан қонунчиликда белгиланган ҳолларда қоплов пулини талаб қилиш.

(60-банднинг учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 апрелдаги 153-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон)

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Иш берувчи қонунчиликка мувофиқ бошқа хукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

(60-банднинг тўртинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 апрелдаги 153-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон)

61. Иш берувчи қуйидагиларга мажбур:

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

қонунчиликда белгиланган шартларда ва тартибда суғурта мукофотини тўлаш;

(61-банднинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 апрелдаги 153-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон)

суғурта полисини аннуитетнга бериш ва уни аннуитетлар шартномаси бўйича хукуқлар ва мажбуриятлар билан таништириш;

аннуитетнни аннуитет шартномаси шартларининг ўзгарганлиги тўғрисида хабардор қилиш;

аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчини аннуитетлар шартномаси тузиш тўғрисидаги аризада кўрсатилган маълумотларнинг ўзгарганлиги ҳақида хабардор қилиш.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Иш берувчи қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам олиши мумкин.

(61-банднинг олтинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 апрелдаги 153-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон)

62. Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи қуйидаги хукуқларга эга:

иш берувчидан қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш;

жорий тўловлар тарзида суғурта товонини олиш юзасидан аннуитет хукуқининг мавжудлигини текшириш;

жорий тўловлар тарзидаги суғурта тўловини, агар аннуитет бундай тўловларни олиш хукуқини йўқотган бўлса, рад этиш.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи қонунчиликка мувофиқ бошқа хукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

(62-банднинг бешинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 апрелдаги 153-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон)

63. Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи қуйидагиларга мажбур:

иш берувчига суғурта полисини бериш;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

жорий тўловлар тарзида суғурта товонини қонунчиликка мувофиқ амалга ошириш.

(63-банднинг учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 апрелдаги 153-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон)

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам олиши мумкин.

(63-банднинг тўртинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 апрелдаги 153-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон)

## **X. Аннуитетлар шартномаси бўйича жорий тўловлар тарзида сұғурта товонини тўлаш тартиби**

64. Аннуитетлар шартномаси бўйича жорий тўловлар тарзида сұғурта товони:

